



ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ

Журналга 1958 йил январда
Ойбек асос солган

Бир йилда олти марта чиқади

6
2024

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси
Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти

Тошкент - 2024

Бош муҳаррир:

Низомиддин МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:

Максуд АСАДОВ

Раҳматулла БАРАКАЕВ

Ғулом ИСМОИЛОВ

Баходир КАРИМОВ

Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА

Абдуваҳоб МАДВАЛИЕВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Сувон МЕЛИ

Ёрқинжон ОДИЛОВ

Манзура ОТАЖОНОВА

Эргаш ОЧИЛОВ

(масъул котиб)

Гулчеҳра РИХСИЕВА

Шомирза ТУРДИМОВ

Боқижон ТЎХЛИЕВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Алмаз УЛВИЙ

Бахтиёр ФАЙЗУЛЛОЕВ

Дурдона ХУДОЙБЕРГАНОВА

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ

Бердак ЮСУФ

Улуғбек ҲАМДАМОВ

Хайрулла ҲАМИДОВ

Манзилимиз:
100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй
Телефон: (71) 233-71-44
E-mail: jurnal_uzlit@mail.ru

Ўзбек тили ва адабиёти
№ 6, 2024

Мухаррир Э. Очилов
Компьютерда саҳифаловчи Г. Эшмуродова

Журнал Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
19.10.2017 йилда рўйхатга олинган.
Гувоҳнома №0053

МЧЖ "GLOBAL POLIGRAF DIZAYN"
Босмахонасида чоп этилди.
Буюртма № 6
Манзил: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани,
Нурмакон кўчаси, 1-уй.
Қоғоз бичими 70x108, 1/16
Офсет босма. "Times New Roman" гарнитураси.
Шартли-босма табоғи 8.5
Тираж ____ нусха. Келишилган нархда.

ИЛМИЙ ТАФАККУР МАНЗАРАЛАРИ

(2023 йилда нашр этилган мақолаларга обзор)

"Ўзбек тили ва адабиёти" журнали – республикамиздаги нуфузли адабий нашрлардан бири. Журналнинг 2023 йилдаги сонларида кўплаб салмоқли илмий мақолалар эълон қилинган. Унинг дастлабки сонидagi адабиётшуносликка оид мақолалар Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллигига бағишланган. Бу мақолаларда мутафаккир ижодининг янги ва очилмаган қирралари кашф этилган. Журналнинг 2-сони – Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон таваллудининг 80 йиллигига, 3-сони эса Ғафур Ғулом таваллудининг 120 йиллигига бағишланган. Унинг кейинги сонлари ҳам фольклоршунослик, адабиёт назарияси, ўзбек мумтоз адабиёти, янги адабиёт, ҳозирги адабий жараён, ижод психологияси, ижодкор лабораторияси масалаларидан баҳс этади. Бу илмий чиқишларни мазмунига кўра қуйидагича ғуруҳлаш мумкин:

1. Фольклоршунослик, фольклор ва ёзма адабиёт муносабатлари.

Журналнинг 2023 йилги 5-сонидa Санобар Тўлаганованинг "Фольклор ва адабий анъана мутаносиблиги" номли адабий-танқидий мақоласи эълон қилинган. Унда истеъдодли адиб Мурод Муҳаммад Дўстнинг ўзбек ҳикоячилигининг дурдоналаридан бўлган "Дашту далаларда" ҳикояси муаллифнинг тасвир ва ифода маҳорати жиҳатидан таҳлил қилинган. Дастлаб олима М.М.Дўстнинг халқ оғзаки ижоди, миллий наср анъаналари ва шу билан бирга, дунё адабиётидан ҳам бохабарлигига китобхон эътиборини қаратган. Ёзувчининг дунё адабиётида мавжуд анъана ва адабий усулларни миллий насримизга моҳирлик билан пайванд қилишга эриша олган ижодкорлардан бири эканлигига урғу берган. Таниқли адиб Н.Эшонкулнинг "Дашту далаларда" ҳикоясига билдирган илиқ муносабатига мурожаат қилинган. Таҳлил жараёнларида ҳикояда икки асос: фольклор ва замонавий адабиётнинг сўнгги ютуқларига таянилганлиги таъкидланган. Аслида, мазкур сифатланиш ёзувчи ижодининг ўқ илдизини ташкил қилишига урғу берилган.

С.Тўлаганова ҳикояда мавжуд фольклор оҳанглари қуйидагича изоҳлайди: "Муаллиф Адолат образи талқинида фольклор оҳангларидан унумли фойдаланган. Адолат қаҳрамонни руҳий-маънавий янгиланиш сари ундовчи куч сифатида юк ташийдди. Унинг исмида ҳам айтилмаган гапларга ишора бор. Қалдирғоч Алпомишни "Марднинг ёри той-талашга қолама" деб мулзам қилгандек, Адолат акасига "бу кунингиздан ўлганингиз беҳроқ эди" дея таъна қилиб оғринади. Адолат зиммасига юклатилган вазифани бажаргач, воқеалар марказидан чекинади".

Мақолада ёзувчининг қаҳрамон тийнатидаги етакчи жиҳатларни бир нуқтага йиғиб, чинакам характерни китобхон кўз олдида яққол намоён қилиши ҳикоядаги Полвон, Хатча, Адолат, Назир махсум, Салим Сақич образлари мисолида далилланган. Ҳикоядаги инсон туйғулари муҳаббат ҳақида айтилмаган кўшиқ сингари қадимий ва қадрли эканлиги турли тасвирлар ёрдамида кўрсатиб берилган.

Мақоланинг муаллифнинг "Дашту далаларда" ҳикоясидаги фольклор оҳанглари ва дунё адабиёти анъаналарининг уйғунлиги, кутилмаган воқелик ва характернинг намоён бўлиши, ҳолат ифодасидаги тиниқлик, мантикий бутунлик, изчиллик ва тасвирдаги бетакрорлик адиб услубий камолотидан дарак бериши борасидаги мулоҳазалар билан хулосаланган.

Журналининг 2023 йилги 4-сонида Хуршида Ҳамрокулованинг "Болалар фольклорининг бадиий адабиётга таъсири" номли адабий-танқидий мақоласи эълон қилинган. Унда болалар фольклори ва болалар адабиётини бир-бирдан ажратиб бўлмаслиги масаласи кўтарилган. Болалар фольклорида бадиҳа, ялинмачоқ ва чандишларнинг бекиёс ўрни борлиги таъкидланган. Олима чандиш ва ялинмачоқларнинг турлари, уларга хос алоҳида хусусиятлар, адресатлилиги, болалар ақлий ривожланишига ижобий таъсири хусусида турли мулоҳазаларни ўртага ташлаган. Болани сўзларни ўзлаштиришда уларни бошқасига муқояса қилишга интилишида, тенгдошлари, маҳалладошлари орасида, жамоавий ўйинларда ўзини тезроқ ва кўпроқ намоёйиш қилишида ушбу жанрларнинг аҳамияти турли мисоллар ёрдамида илмий-назарий асосланган. Кавсар Турдиеванинг "Қуёшли шаҳарча" ҳикоялар тўпламидаги "Ишқалвой ёки мулойимлик куни" ҳикояси орқали чандишларнинг дидактик вазифаси очиқ берилган. Шу билан бир қаторда, мазкур жанрларнинг Исажон Султон ижодида қай тарзда акс этгани масаласи ҳам тадқиқ қилинган.

2. Адабиёт назарияси масалалари. "Ўзбек тили ва адабиёти" журналининг 2023 йилги 5-сонида адабиётшунос олим Сувон Мелининг "Сюжет ҳақидаги қарашлар эволюцияси" номли адабий-танқидий мақоласи эълон қилинган. Унда сюжет ва унинг экспозиция, тугун, воқеа ривож, кульминация, ечим каби унсурлари борасида маълумот берилган ва бу ҳақдаги мулоҳазаларга муносабат билдирилиб, ўрни билан олимнинг ўзига хос қарашлари илгари сурилган. Дастлаб олим сюжет бадиий асарнинг муҳим компоненти эканлиги, уни адабий асар доирасидан ташқари, яъни ялпи фалсафий талқин қилиш эҳтиёжи борлигини эслатган. Буни бадиий асарда воқеликни ўзига хос йўсинда, бадиийлик қонунлари асосида тасвир этишдан ташқари воқеликка турлича баҳо бериш, хусусан, фалсафий-эзотерик жиҳатдан талқин қилиш, илмий ўрганиш мумкинлиги билан изоҳлаган. Сўнгра сюжет атамасининг француз тилидан кириб келганлиги, Владимир Далнинг машҳур "Жонли великорус тилининг изоҳли луғати"да "предмет, асарнинг тугуни ва мазмуни" тарзида изоҳланганлиги ҳақида қисқача маълумотлар келтирган. Хусусан, Аристотель асарида ҳам сюжет (ривоят)га доир мулоҳазалар билдирилганлигига кенг ўрин ажратилган. Қолаверса, мақолада сюжет ва фабула алоқалари, улар ўртасидаги муносабат ўрганилган. Бу борада Б.Жалилов, А.Н.Островский, Г.Н.Поспелов каби назарийчи олимлар фикрларига мурожаат қилинган. Сюжетнинг бешта таркибий қисмига изоҳ беришда эса академик И.Султоннинг "Адабиёт назарияси" дарслигига таянилган. Хулоса шуки, олим ушбу мақоласи билан сюжет бадиий асарда ҳал қилувчи асосий компонент эканлиги, у характер қирралари ва асар ғоясини очишга хизмат қилгандагина бадиийлик мақомига эриша олиши ғоясини илгари сурган.

3. Ўзбек мумтоз адабиёти масалалари. Журналнинг 2023 йилдаги 1-сонида Алишер Навоий таваллудининг 582 йиллиги муносабати билан 9 та мақола эълон қилинган. Иқтидорли навоийшунос Мақсуд Асадовнинг "Навоий қитъаларида тимсол ва маъно уйғунлиги" номли мақоласида адабиётшуносликдаги образ муаммоси Алишер Навоий қитъалари мисолида ёритилган. Ўзбек мумтоз шеъриятида "фалон" образининг юзага келиши ва анъанавийлашиши шу сўзнинг луғавий маъноси билан боғлиқ эканлиги асосланган. Улуғ мутафаккирнинг "фалон" туркумидаги қитъалари мазмунига кўра, фисқ-фужурчи, ғийбатчи, иғвогар "фалонлар"; фитнакор, ғаламис, худбин, "худпараст" "фалонлар"; бахил, хасис, манфаатпараст "фалонлар"; масъулиятсиз, билим савияси саёз, нодон "фалонлар"; иккиюзламачи, мунофиқ, риёкор "фалонлар"; жафокор, золим "фалонлар" тарзида 6 гуруҳга бўлиб тасниф этилган. Шу таснифдан келиб чиқиб, Навоий ижодидан қитъалар келтирилган ва теран таҳлили берилган. Эътибор берилса, бундай туркумдаги қитъаларда "фалон" образи, асосан, салбий хулқли кишиларни ифодалаб келганлиги аёнлашади. Шоир бу образни яратишда "типиклаштириш, умумлаштириш тамойили"га таянган. Навоийшуносликда кўплаб бадиий тимсоллар алоҳида ўрганилганлиги маълум. Бироқ "фалон" образи билан боғлиқ ёндашувлар, таснифлар янгилигини таъкидлаш ўринли бўларди. Бу мақола улуғ мутафаккир ижодидаги яна бир образни инкишоф этиши билан аҳамиятлидир.

Қодиржон Эргашевнинг "Алишер Навоий асарларида комил инсон тушунчаси" номли мақоласида мутафаккир шоирнинг "Ҳайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Хамсат ул-мутаҳаййирин", "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" каби асарларида яратилган Фарҳод, Абдурахмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад каби образлар таҳлил этилган. Олим комилликни ўзига хос талқин этади: у тирикчилик ўтказиш учун эгалланган илм ва ҳунарни комиллик ҳисобламайди, балки ўз шахсини ривожлантирган, ўзи шуғулланаётган соҳани мукамал эгаллаган кишини баркамол ҳисоблайди. Олим Алишер Навоий асарлари ҳақида фикр юритар экан, комиллик инсоннинг хулқи билан боғлиқлигини Сайид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад образлари таҳлили орқали ойдинлаштиради. Инсонларга хос меҳр-мурувватни ҳам комилликнинг бир белгиси сифатида кўрсатади ва бу қарашларини "Фарҳод ва Ширин"даги Фарҳод билан боғлиқ лавҳалар орқали ойдинлаштиради. Бу мақолани Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги юксак ғоялари илмий ёритиб берилган янги изланиш дейиш мумкин.

Сайфиддин Рафиддиновнинг "Девони Фоний"нинг нашрлари ҳақида" номли мақоласи навоийшуносликнинг янги қирраларини ёритиши билан аҳамиятли. Унда олим дастлаб мутафаккир шоирнинг "Муҳокамат ул-луғатайн", "Хамсат ул-мутаҳаййирин" асарларидаги форс-тожик адабиёти ҳақидаги қарашларини таҳлил этади. Яна бир муҳим янгилик: унда Алишер Навоийнинг форсий мероси Ҳофиз Шерозийнинг девонига тенг келиши эътироф этилган. Шу билан бирга, Абдурахмон Жомий фикрлари асосида бу мероснинг 12 минг мисрани ташкил этиши айtilган. Статистик усулда Навоий издошлик қилган шоирлар адади аниқланган. Яъни улуғ мутафаккир Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Амир Хусрав Дехлавий, Шайх Саъдий,

Жалолиддин Румий, Камол Хўжандий, Салмон Соважий каби Шарк адабиётининг улкан сиймолари ғазалларига назиралар боғлаган, таврлар битганлиги билан боғлиқ кузатишлар олимнинг девон мундарижасини обдан ўрганиб чиққанлигини кўрсатади. Адабиётшунос шу тизимдаги шеърларни теран таҳлил этган. Шу билан бирга, шоир форсий ғазалларининг ўзбек тилидаги таржималари юзасидан билдирилган таҳлил ва талқинлар ҳам оҳорли. Умуман олганда, мақола Навоийнинг форсий шоирлиги билан боғлиқ янги кузатишларни ўзида ифода этиши билан бугунги навоийшуносликда муҳим ўрин тутди.

Эргаш Очиловнинг "Навоий ва Ғарибий" номли мақоласи ҳам қиёсий-типологик аспектда бажарилганлиги билан эътиборни тортади. Унда олим Бобурнинг "Бобурнома" асаридаги Хусайн Бойқаронинг ШохҒариб Мирзо исми ўғли ҳақидаги фикрлари келтирилган. Бундаги маълумотлар ва таҳлиллар ҳам бугунги навоийшунослик учун алоҳида аҳамиятга эга. Олим Германиянинг Ҳамбург шаҳри Миллий кутубхонасида 15-ашё рақами билан сақланаётган ва Шафиқа Ёркин томонидан нашра тайёрланиб нашр этилган кўлёзма тўпламга ҳамда Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис", "Фарҳод ва Ширин", "Сабъаи сайёр" асарларида ШохҒариб Мирзо ҳақидаги фикрларга таяниб, қарашларини баён этади. Ғарибийнинг форсий ғазалларида Ҳофизга, туркий ижодида эса Навоий ва Хусайнийга эргашганлигини байтлар орқали далиллаб беради. Хусусан, Алишер Навоийнинг "топмадим", "келмади" радифли ғазалларига ёзилган ўхшатмалари ҳамда ғазалларига боғлаган тахмислари билан боғлиқ таҳлиллар мумтоз адабиёт тадқиқотчисининг юксак салоҳиятини кўрсатиб туради. Хуллас, ушбу мақола Алишер Навоийга издош яна бир шоирни адабиётшуносликда кашф этилиши йўлидаги дадил қадамдир.

Фарида Каримованинг "Дебочанавислик: анъана ва ўзига хослик" номли мақоласи дебочанавислик анъанасининг юзага келиши ва унинг Алишер Навоий ижодидаги такомил масаласига бағишланган. Олима бу жанрнинг дастлаб форс-тожик адабиётида шаклланганлигини, девонлари шу жанр билан бошланганлигини қайд этади. Навоий анъаналари Нодира, Амирий, Мунис, Огаҳий каби шоирлар ижодида муваффақиятли давом этганлиги асосланган. Шу тарзда бундай шеърлар шеърӣй ва насрий йўл билан яратилганлиги мисоллар билан далилланган. Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 4634-рақамли Муҳаммад Шариф Шавқийнинг "Дебочаи девон ва ғазалиёти Шавқӣй" девони, Ғ.Ғулом номидаги Қўқон Адабиёт музейида 474-рақамли инвентарь рақами остида сақланаётган Нодир-Узлатнинг девонидаги дебочалар ғоявий-бадий жихатдан таҳлил этилган. Бу мақола ўзбек адабиётшунослигида лирик жанрлар назариясини яратиш учун муҳим манба вазифасини ўтайди.

Шунингдек, журналнинг бу сонидан Насиба Жўракулованинг "Лисон ут-тайр"да эр ва эран образининг бадий талқини", Муборак Омонованинг "Алишер Навоий сиймоси Исажон Султон талқинида", Мунисжон Ҳакимовнинг "Жамол Камол шеърларида Алишер Навоий сиймоси" сингари янги талқинларга бой мақолалари ўрин олган.

Журналнинг 2023 йил 6-сонида Эргаш Очиловнинг "Алишер Навоий ва Хаёлий Бухорий" номли адабий-танқидий мақоласи эълон қилинган. Унда

Алишер Навоийнинг Хаёлий Бухорий ижодидан гоҳ бевосита, гоҳ билвосита таъсирлангани икки шоирнинг муштарак байтлари муқоясаси орқали кўрсатиб берилган. Алишер Навоий асарларини мутолаа қилган ва таъсирланган, улуғ сўз санъаткорининг ижодий такомилида у ёки бу даражада роль ўйнаган шоирлар ижодини унинг адабий мероси билан қиёслаб ўрганиш мутафаккир ижоди сув ичган булоқларни аниқлаштириш жиҳатидан аҳамиятли. Мақола ўзида жамлаган мана шу хусусияти билан ҳам ғоят эътиборга молик. Навоий ёшлигида шеърларини ёдлаган ва девонларини таҳлил қилиб баҳолаган шоирлар қаторида Хаёлий Бухорий ҳам бўлгани чуқур ўрганилган. Алишер Навоий "Мажолис ун-нафоис"да унинг ижодидан намуна сифатида ғазал байтларидан келтириб, уларни саралаганлиги, ўзига маъқул байтларини алоҳида эътироф этганлиги тилга олинган. Муаллиф Хаёлий Бухорийнинг ўз даврида темурийлар даври адабиётининг қиёфасини белгилаган забардаст сўз санъаткорларидан ҳисобланганига урғу қаратган. Исбот тариқасида Давлатшоҳ Самарқандий, Абдурахмон Жомий каби алломалар томонидан билдирилган фикрларга таянган. Хуллас, мазкур мақолада Алишер Навоий ва Хаёлий Бухорий шеърлари қиёси икки шоир ижодида қатор муштарак нукталар мавжудлиги, Навоий ўз шеърларида адабий меросидан яхшигина хабардор бўлган салафининг қатор фикрларини давом эттириб ривожлантиргани ва унинг янгидан-янги қирраларини кашф этгани, ташбехларини оҳорли тасвирлар билан бойитгани ёритилган бўлиб, бу каби илмий-назарий маълумотлар темурийлар даври адабиёти хазинасини бойитиши қувонарли ҳодисадир.

4. Янги ўзбек адабиёти муаммолари. Журналнинг 2023 йилдаги 2-сонидagi туркум мақолалар Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон таваллудининг 80 йиллигига бағишланган. Улуғбек Ҳамдамнинг "Омон Матжон шеъриятига бир назар" деб номланган мақоласи ўзбек адабиётида ёрқин из қолдирган О.Матжон шеърлари тадқиқига бағишланган. Шеършунос олим, аввало, XX аср ижтимоийлашган шеърияти ҳақида фикр юритади ва уни бадийлик даражасига кўра икки гуруҳга ажратади: "биринчиси – давр муаммолари санъаткорона акс эттирилган, кўпнинг дарди шоир дардига, демакки, ижтимоий дард шахс дардига айланган – шахсийлашган шеърят...., иккинчиси – даврга хос муаммоларни бадийлик мезонларидан туриб эмас, балки уларнинг жамиятда тутган ўрни, долзарблигини қайд этиш ва жамоатчилик эътиборига ҳавола этиш мақсадида ёзилган, назмбозлик ва маддоҳлик усули сифатида дунёга келган шеърят". Дарҳақиқат, бу тасниф жуда маъқул. Фақат Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, У.Носир каби шоирларнинг кейинги гуруҳга киритилишига қўшилиб бўлмайди. Чунки ҳар бир ижодкор – ўз даврининг фарзанди. Шу жиҳатдан нафақат юқорида номи зикр этилган шоирлар ижодида, балки ўша даврда қалам тебратган ҳар бир ижодкор ижодида замонасоз шеърлар бор эди. Дарҳақиқат, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, У.Носир каби шоирларнинг кўплаб шеърлари даврлар чиғиригидан ўтиб, яшовчанлик касб этаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мақола муаллифи О.Матжон шеъриятини Э.Воҳидов, А.Орипов, Р.Парфи каби шоирлар билан бир қаторда туришини эътироф этади. Бир қатор шеърлари таҳлили асосида уни XX аср ўзбек шеъриятида ўз сўзини айта олган шоир сифатида кўрсатади.

Жумагул Жумабоевнинг "Ҳақпараст шоир" мақоласида шоирнинг "Нега мен?" достони ҳақида фикр юритилган. Асар "Таплашадиган вақтлар"нинг мантикий давоми сифатида турғунлик деб аталган йиллар воқелигини – итоаткорлик исканжасида яшаётган миллатнинг ҳаётини акс эттирганлиги ёрқин бадиий парчалар орқали ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада О.Матжоннинг истиклолга шукроналик ҳислари билан йўғрилган шеърлари таҳлил этилган. Бу мақола Омон Матжоннинг дostonчилик маҳорати, истиклол йиллари ижоди ҳақидаги янги талқинларга бойлиги билан ажралиб туради. Адабий жараённинг тийрак нигоҳли кузатувчиси С.Мелининг "Ишқ зори изҳори (Омон Матжоннинг "Қўшиқ (Мирийга ўхшатма)" шеъри ҳақида)" номли мақоласи уч қисмдан таркиб топган. Биринчи қисм мумтоз адабиётда ишқ талқини масаласига бағишланган. Бунда олим Қуръони карим оятлари, Муҳаммад Ғаззолий қарашлари, Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр", "Лайли ва Мажнун", "Маҳбуб ул-қулуб" асарларидаги лавҳалар орқали ишқни таърифлайди. Иккинчи қисмда, шундан келиб чиқиб, О.Матжоннинг "Қўшиқ (Мирийга ўхшатма)" шеъри таҳлиliga киришилади. Адабиётшунос буни "юксак илҳом ва ишқ жазбасидан туғилган олий мақомдаги бадиий асар" деб баҳолайди. У шеър Очилди Мирийнинг "Танланган асарлар"идаги "Доғман" радифли ғазали, таржеъбанд ва мусаббаси таъсирида ёзилганлиги, унинг нақароти ҳам шу руҳда эканлигини асослаб беради. Таржеъбанддаги ҳар бандда такрорланувчи "Мен мунда доғ қолдим ул анда қолди доғ" мисраси ошиқнинг оҳу зорини англатишини, шу мазмун О.Матжон шеърида ҳам намоён бўлганлигини бадиий парчалар орқали далиллайди. Мақоланинг учинчи қисмида шеърнинг шеърхон қалбида уйғотган улкан ҳиссиёт-эмоционал кўлам ҳар бир сўз ва ифодада намоён бўлганлиги шоирнинг юксак салоҳиятини кўрсатиб туриши илмий асосланган.

Мархабо Қўчқорованинг "Ҳаққуш кичкириғи"да мураккаб фольклоризм стилизацияси", Манзура Пирназарованинг "Омон Матжоннинг анъанавий тимсоллардан фойдаланиш маҳорати", Шоҳиста Аҳмедованинг "Омон Матжон архивидаги бир қўлёзма хусусида" сингари мақолалари ҳам О.Матжон шеърятининг муайян қиррасини очиб бериши билан аҳамиятли. М.Қўчқорова мақоласида адабиётшуносликнинг диққат марказида бўлган "Ҳаққуш кичкириғи" достонидаги мураккаб фольклоризмлар аниқланган ва таҳлиллар орқали муаммо моҳияти ойдинлаштирилган. Шу ўринда бир мулоҳаза: мақола сарлавҳасидаги "стилизацияси" сўзи ортиқча. Чунки "стилизион фольклоризмлар" фольклоризмнинг алоҳида бир кўринишидир. М.Пирназарова мақоласида О.Матжон ижодида мумтоз анъаналарнинг юз кўрсатиши тун ва кун тимсоли тадқиқи орқали асослаб берган. Ш.Аҳмедова эса О.Матжоннинг шахсий архивини ўрганиб чиқиб, унинг нашр этилмаган иккита асарини: "Ибн Сино Бухорода" адабий сценарийси ва "Зулфия" либреттосини аниқлаган. Мақолада шу адабий сценарий ҳақида фикр юритилган. Тадқиқотчи унинг жанрини драма деб белгилайди. Аслида, асарнинг жанри унинг муаллифи томонидан аниқ кўрсатилади. Чунки ҳаётда ҳам ота-она фарзандга исм қўяди. Ижодкор учун яратган асари фарзанд каби яқин. Гарчи адабиётшунос асарда драмага хос хусусиятларни кузатган бўлса ҳам, шоирнинг ўзи белгиланган жанр моҳиятидан келиб чиқиб ёндашиш лозим

эди. Энг асосийси, бу мақола буюк аждодимиз Ибн Сино ҳақида яна бир асар ёзилганлигини фанга маълум қилиши билан эътиборга лойиқ.

Ўзбек тили ва адабиёти журналининг 2023 йилдаги 3-сонида Ғафур Ғулом таваллудининг 120 йиллигига бағишланган 7 номдаги туркум мақолалар нашр этилган. Дастлабки мақола Санобар Тўлаганованинг "Халқона оҳангга йўғрилган дард" деб номланган. Унда адибнинг ижод майдонида қалам суриши ўзбек халқи тарихидаги "ижтимоий силсилалар" (Н.Каримов), сиёсий курашлар даврига тўғри келганлиги билан боғлиқ янги қарашлар ифода этилган. Дарҳақиқат, шоир зиддиятларга тўла қисмат йўлларида "кадрдон туйғуларни унутишга маҳкум этилди. Ижодкор ҳар қанча унутишга маҳкум этилмасин, аммо кадрли лаҳзалар шарпа сингари адиб ҳаёлида яшайди, тарихий хотираларнинг қолдиқлари баъзан ёзганларида ўзини йилтиллаб намоён этади". Шу жиҳатдан унинг "Чин арафа" шеърида юз кўрсатган миллий манзаралар: болалик соғинчи, ҳайитлик тангалари, чанг кўчалар ҳидини туйиш тасвирларида кўзга ташланиши; ёки "Шум бола" ва "Ёдгор" қиссаларини боғлаб турган "мехр-муҳаббат, халқнинг бағрикенглиги" акс эттирилган ҳаётий лавҳалар, "Ҳасан Кайфий" ҳикояси қаҳрамонининг аъмоли, эътиқоди ифода этилган воқеликлар асосида олима қарашларини исботлайди. Шу ўринда бир мулоҳаза: назаримизда, шоир қанчалик мураккаб даврда ижод қилмасин ўзлигини унутмади, ўзбеклигидан фахр туйғуларини туйди ва шеъри, насрий асарларида ҳам шу фазилатларни сақлай олди. Шу маънода "аммо кадрли лаҳзалар шарпа сингари адиб ҳаёлида яшайди, тарихий хотираларнинг қолдиқлари баъзан ёзганларида ўзини йилтиллаб намоён этади" деган фикр баҳсли. Чунки академик шоирнинг "Мен ўзбек шоириман, ўз халқимнинг тилиман" каби маънавий жасорат билан айтилган мисралари фикримизга асос бўла олади. Шунга қарамасдан, адабиётшунос олима қўйилган илмий муаммонинг ўзак нуқтасини топа олган ва академик Ғафур Ғулом ижодига янги ракурсларда баҳо берган.

Сувон Мелининг "Сен етим эмассан" шеъри поэтикасига доир" номли мақоласи Ғ.Ғуломнинг уруш йиллари ижодида бадиий ҳодиса бўлган шеърларидан бири – "Сен етим эмассан" шеъри талқинларига бағишланган. Беш қисмдан иборат бу мақолада олим бу асарга бугунги кунларимиздан туриб назар солади. Дастлабки қисмда адабиётшунос шеърнинг шакли ҳақида фикр юритади. Унинг фикрича, Маяковскийча зинапоя шаклида ёзилган шеърни "Соғиниш", "Вақт" сингари шеърлардаги каби сатрларга солиб чиқилса, 6+5 шаклидаги туроқ юзага келади. Бироқ бундай тизиб чиқиш шеърнинг жозибаси, тароватини йўқотган бўларди. Олим шу нуқтани ҳам унутмайди. Дарҳақиқат, бу шеърни уруш йилларида ота-онасиз қолган болалар қалбини нурлантирган, яшашга, келажакка ишонч уйғотган ҳайқириқ ҳам, дейиш мумкин. У Ғ.Ғуломни "буюк қалб соҳиби" деб юксак баҳо берар экан, унинг ёниқ мисраларида маънавий жасоратни кўради. Бунинг руснинг улуғ шоири Александр Блокнинг "Ҳақиқий шоирнинг қалб тузилиши то тиниш белгиларидан тортиб ҳамма нарсада акс этади", – деган ҳақли фикрлари билан далиллайди. Мақоланинг иккинчи қисмида шеър сарлавҳасидан кейин қавс ичида берилган изоҳнинг асарнинг ёзилган вақти ва мустақиллик йилларидаги изоҳини қиёслайди: ундаги "Улуғ Ватан уруши" ўрнида "1941–1945 йиллардаги уруш" билан алмаштирилганлигига диққат

каратади, буни замонга мослашиш дея баҳолайди. Мақоланинг учинчи қисмида шеърдаги туйғулар тўлқини эпик асарлардаги каби "воқеалар ривожини юзага келтирганлиги ҳақида назарий хулосалар баён этилган. Мақоланинг тўртинчи қисми шеърнинг композицияси ва структураси таҳлилига бағишланган. Ундаги асарнинг 6 қисмдан иборатлиги, бандда такрорланиб келувчи "Сен етим эмассан..." деб бошланувчи қисм "бадий вужуд" эканлиги билан боғлиқ кузатишлар ниҳоятда оҳорли ва бугунги замон хушёр шеърхони қалбига етиб боради. Мақоланинг бешинчи қисмида эса шеърдаги "олтита структур қисм" аниқланган. Яъни ҳар бир қисм тазод усулида яратилганлиги билан алоқадор фикрлар мақоланинг структурал метод маҳсули эканлигини асослаб туради. Умуман олганда, бу мақола биз билганимиз, болалигимиздан онгу шууримизга сингган "Сен етим эмассан" шеъри ҳақидаги фикрларимизни янада бойитади. Шу билан бирга, бу шеърнинг онтологик кучини, яшовчанлик қудратини яна бир қарра намोён этади.

Бугунги адабий жараённинг яна бир зукко кузатувчиси Баҳодир Каримнинг "Шум бола" фасоҳати" мақоласи ҳам қисса ҳақидаги фикр-таассуротларни янада кенгайтиришга хизмат қилади. Олим "Шум бола"ни мингдан ортиқ қиссалар қаторида поэтик қиммати жиҳатидан биринчилар қаторида турганлигини, унинг Ғ.Ғулом ибрат мактабидан сабоқлар эканлигини эътироф этади. Муаллиф қиссанинг бадий тилини ёрқин бадий парчалар орқали очиб беради. Хусусан, ундаги ўхшатишлар, товуш такрори қабилар мисолида бунга ойдинлик киритилган. Бинобарин, иложсиз қолган асар қаҳрамонининг "сирланган идишга тушган сичқон"га, унинг юраги "дард теккан терак япроғи"га ўхшатилиши Ғ.Ғуломнинг санъаткор адиб эканлигини кўрсатадики, адабиётшунос асар саҳифаларидан ана шундай оригинал мисолларни топиб таҳлил этган. Ёки асар тилидаги товуш такрори – аллитерациялар ҳам ёзувчи услубининг индивидуаллигини белгилайдики, бу ҳам олимнинг синчков нигоҳида ўзига хос бадий манзара касб этган. Шунингдек, адибнинг асарда янги сўзлар (солкаш, опорка, лахтақ) қўллаши ва уларнинг изоҳини беришини ҳам унинг услубига хос хусусият сифатида кўрсатади. Ушбу мақолани даврлар синовидан ўтган ва Ғ.Ғулом абадиятини таъминлаб турган "Шум бола" бадиияти ҳақидаги янги илмий кузатишлар дейиш мумкин. Шу маънода Б.Каримнинг хулосаларига қўшилиш мумкин: "Шум бола – ўзбек адабиётида алоҳида адабий ҳодиса... Ғафур Ғулом насрий ижодининг кўрки саналади".

Улуғбек Ҳамдамовнинг "Ғафур Ғуломнинг айрим ижтимоий шеърлари таҳлилига доир" мақоласида академик шоирнинг шеърини давр ижтимоий шеърининг энг баланд намуналари сифатида эътироф этилади. Шу нуқтаи назардан унинг "Турксиб йўлларида" шеъри таҳлил этилган. Зукко адабиётшунос шеърнинг бошланиши, яъни Чингиз ва чингизийларнинг Темур билан бир қаторда тилга олиниши ҳамда Темурга "ланг" – оқсоқ сифатлашининг қўшиб айтилиши ҳақида танқидий фикр билдиради. Дарҳақиқат, бу тўғри қайд. Фақатгина бу шеър ёзилган даврдаги Темурга салбий муносабат инобатга олинса, Ғ.Ғуломнинг сатрларини тўғри қабул қилиш мумкин. Шундан кейин олим шеърнинг фазилатли жиҳатларини эътироф этади. Унинг таъкидлашича, шеърнинг кейинги бандларида

шеърхон: "қадим Туркистон кечирган улкан ўтмишнинг аччиқ саҳифаларига" рўбарў келади. Қолаверса, шеърнинг қофияланиш шакли ҳам ўзига хослиги: ички, жуфт ва айланма тарзда оҳангдош бўлиб келиши "яхлит интонацион бутунликни таъминлаш"га хизмат қилганлиги билан боғлиқ кузатишлар шеършуноснинг қофия назариясига оид ёндашувидаги оригиналликни кўрсатади.

Шунингдек, журналнинг ушбу сониди Д.Қувватованинг "Ғафур Ғуломнинг интеллектуал шеърляти", М.Қўчқорованинг "Шум бола" қиссасида "Минг бир кеча" анъанаси: фольклор стилизацияси", Э.Очиловнинг "Алишер Навоий ва Ғафур Ғулом" сингари салмоғи баланд мақолалари чоп этилган. Бу мақолалар Ғ.Ғуломнинг серқирра ижоди ҳақидаги кейинги кузатишларни ўзида акс эттирган.

Журналнинг 2023 йил 4-сониди Олим Олтинбекнинг "Рауф Парфи марсиялари поэтикаси" номли адабий-танқидий мақоласи эълон қилинган. Унда Р.Парфи марсиялари мавзу, мазмун, шакл ва ғоя, бадиият нуқтаи назаридан тадқиқ этилиб, шоирнинг турли шахсларга бағишланган ранг-баранг марсиялари миллий шеърятимиздаги анъанавий марсия жанрининг уфқларини бир қадар кенгайтирганлиги асослаб берилган. Бу марсиялар шаклан ранг-баранглиги: сарбаст, эркин ва бармоқ вазнларида ёзилганлиги далилланган. Уларнинг яқинларидан отаси ва жияни Абдуллажонга, фан арбоби Ҳабиб Абдуллаевга, Виктор Хара номли машҳур қўшиқчига, шоирлардан Ойбек, Нозим Ҳикмат, Пабло Неруда ва Николай Рубцов хотирасига бағишлаб ёзилганлиги аниқланган ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари умумлаштирилган. Р.Парфи шахсларнинг вафоти муносабати билан ёзган марсияларининг фақат иккитасинигина жанр номи билан, қолганларини "хотирасига", "мозорида", "садоси" каби сўзлар билан атаганлиги, булар ҳам шоир луғатида марсия маъносини англатишига диққатни қаратади. Бундан ташқари, муаллиф шоир ўз марсияларида поэтик такрорлар, эпитетлар, ташбеҳлар, сюрреалистик тасвирлар ва турли композицион шакллардан фойдаланганлиги, буларнинг барчаси марсияларнинг кучли эмоционаллиги ва бадиий пишиқлигини таъминлаб келганлигини ёритиб берган.

5. Ҳозирги адабий жараён муаммолари. Журналининг 2023 йилги 5-сониди Исломжон Ёқубовнинг "Поэтик мушоҳада кенгликлари" номли адабий-танқидий мақоласи эълон қилинган. У таниқли шоир Турсун Алининг "Лаҳзалар суврати" тўпламидаги "Қиш. Болалик ва мен" балладаси ҳамда "Тақдир кенгликлари" достони таҳлилига бағишланган. Шоирнинг бошланғич машқлари, дастлабки шеърӣ тўплamlаридан сўнг, орадан ўтган қирқ тўрт йиллик муддатда Т.Али шеърларининг аста-секин пишиб, етилиб, "Қува анорларидай ширага тўлган"лигига эътибор қаратилади. Тадқиқ жараёнида китобдан шоирнинг, шунингдек 80 дан ортиқ шеърлари, жаҳон шеърляти вакиллари Осип Мандельштам, Бо Пу, Гуан Ханциндан қилинган таржималари ҳам ўрин олганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтилади. "Қиш. Болалик ва мен" балладаси учун тарихий-маиший мавзу танланган бўлиб, шоир эпик воқеани тўрт мисралик бандлар асосида баён қилганлиги, айни пайтда, классик анъанага хос такрорланувчи қисмлар ва умумий ҳажм

бирлигини ҳам сақлаб қолганлигини кузатади. Турли бадий тимсоллар орқали замонавий балладага хос хусусиятларни кўрсатади. "Такдир кенгликлари" достони Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигига бағишланган бўлиб, асар архитектурани таркиби жиҳатидан муқаддима, 25 та ихчам фасл ва хотимадан таркиб топганлиги кўрсатилган. Муаллиф мақола сўнгида ушбу дostonни муайян маънода, ингроклардан туғилиб, армонлардан куртак очган, орзулардан барг чиқарган ва айрилиқ бўлиб гуллаган гўзал гунчадир, дея хотималаган. Бинобарин, мақолада ҳар иккала жанр тараққиётида кузатилган янгиланишлар: уларнинг бадиияти, мавзу кўлами, ғоялар ранг-баранглиги, шакл ва мазмуни билан боғлиқ барча ўзгаришлар борасида мулоҳазалар билдирилганки, бу ҳозирги адабий жараёндаги шу билан алоқадор хусусиятларни белгилашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Журналнинг 2023 йил 6-сонида Марҳабо Қўчқорованинг "Истиқлол даври ўзбек бадий публицистикаси" номли мақоласида журналистика ва бадий адабиёт ўртасидаги оралиқ ҳодиса бўлган бадий публицистиканинг истиқлол йилларидаги такомил хусусида фикр юритилган. Унда бадий публицистика тарихига оид қарашлар акс эттирилган. Шу асосда истиқлол давридаги мавжуд ҳодиса 5 га бўлиб тасниф этилган: 1. Журналист публицистикаси. 2. Ёзувчи публицистикаси. 3. Илмий-хужжатли мемуаристика. 4. "Замондошлар хотирасида" туркумидаги нашрлар. 5. Маърифий-биографик роман жанри. Шу таснифга таяниб, адабиётшунос бадий публицистика хусусиятларини назарий ёритиб берган.

Умуман олганда, журнал саҳифаларида М.Асадов, Қ.Эргашев, С.Рафиддинов, С.Мели, Б.Карим, Э.Очилов, У.Ҳамдам, Д.Қувватова, С.Тўлаганова, И.Ёкубов, М.Қўчқорова, О.Олтинбек, Ф.Каримова каби таниқли олим ва олималарнинг мақолалари бадий тафаккурнинг ўзига хос қирраларини ёритиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Булар орасида С.Мели, Э.Очилов, С.Тўлаганова, М.Қўчқорова, У.Ҳамдам каби заҳматкаш адабиётшуносларнинг фаоллигини таъкидлаш керак бўлади.

РЕЗЮМЕ. Мақола "Ўзбек тили ва адабиёти" журналининг 2023 йилдаги фаолияти таҳлиliga бағишланган.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена анализу деятельности журнала "Узбекский язык и литература" в 2023 году.

RESUME. The article is devoted to an analysis of the activities of the journal "Uzbek Language and Literature" in 2023.

Таянч сўз ва иборалар: журнал, адабиётшунослик, фольклоршунослик, адабиёт назарияси, ўзбек мумтоз адабиёти, янги адабиёт, ҳозирги адабий жараён, ижод психологияси, ижодкор лабораторияси.

Ключевые слова и выражения: журнал, "литературоведение", "фольклористика", "теория литературы", "узбекская классическая литература", "новая литература", "современный литературный процесс", "психология творчества", "творческая лаборатория".

Key words and word expressions: journal literary studies, folklore studies, literary theory, Uzbek classical literature, new literature, current literary process, psychology of creativity, creative laboratory.

МУНДАРИЖА

Увайсий таваллудининг 245 йиллиги

М.Асадов. Увайсий шеърлятида дард аҳли талкини.....	3
Қ.Эргашев. Увайсий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ айрим масалалар хусусида.....	9
У.Қобилов. Увайсий ижодида Юсуф ва Зулайхо мавзуси.....	15
Э.Очилов. Увайсий ижодида Навоий анъаналари.....	21
Б.Ражабова. Увайсийнинг радиф қўлаш маҳорати	27
С.Рафиддинов. Увайсийнинг ирфоний қарашлари.....	33
З.Абдурахмон. Увайсийнинг "Қарбаломна" достони	39

Илмий ахборот

Ф.Қаримова. Форс-тожик адабиётида дебечанавислик	44
Д.Қувватова, Н.Ўроқова. Илмий тафаккур манзаралари.....	49
Қ.Йўлчиев. Лирик жанрлар таснифи муаммоси.....	59
Л.Шарипова. Жамол Қамол маҳоратининг баъзи қирралари.....	67
А.Даврон. Исмоил Гаспирли ва Қамза Қакимзода	72
С.Қамдамова. Муҳаййир ижодида халқона оҳанглар.....	76
Н.Эшназарова. Ўзбек халқ эртақлари таснифи	79
Қ.Пайзиев. Абдулла Орипов публицистикасида ёш ижодкорларга муносабат	83
В.Султонова. Иброҳим Ғафуровнинг Машраб ҳақидаги ҳикоялари.....	87
А.Сулейманли. Эркин Воҳидов "Ўзбекистон" фахриясининг ғоявий-бадий хусусиятлари	92
С.Турдиев. Хайрил Анвар шеърлятида рамзлар.....	97
Ф.Равшанова. Маҳаллий тилларнинг социолингвистик таснифи	100
С.Қудратова. Ўзбекистон шароитида лисоний ҳархиллик.....	104
М.Усмонова. Амалий тилшунослик ҳақида мулоҳазалар.....	108
Л.Мирзажонова. Нутқий фаолият феълларида социал семанинг ифода этилиши.....	111

Мерос

Б.Тўхлиев, И.Исмоилов. Давлатшоҳ Самарқандий ва унинг "Тазкират уш-шуаро" асари ҳақида.....	114
Давлатшоҳ Самарқандий. Тазкират уш-шуаро. Дебеча.....	115